Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 157 (21. 256) 1992 йил 11 август, сешанба ●

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Ислом КАРИМОВ:

ОҚИЛ ҲОКИМ БАМАСЛАҲАТ ИШ ҚИЛАДИ

Тўғриси, мамлакатимиз Президенти ҳузурида Маслаҳат кенгаши номи билан янги бир орган ташкил этилаётганини эшитиб, собиқ партиянинг собиқ бюролари ёдимга тушди. Биламиз, ўша қичик жамоада тасдиқланган қарорлар миллионлаб аҳли фуқаро учун қонун тусини олар эди.

Кейинчалик билдимки, бундай иштибоҳ бошқаларнинг-да хаёлидан кечган экан. Яхшиси, бу ҳақда сал қуйироқда сўзлайлик...

Маслаҳат кенгашининг илк мажлисини Президент Ислом Каримов қисқача кириш нутқи билан очди. Тузилажак кенгашга эҳтиёж боис асос солинаётгани таъкидланди. Шунга монанд органлар айрим қўшни жумҳуриятларда ҳам ташкил қилингани қайд этилди.

Республика Президенти ҳузуридаги давлат котиби Раҳим Ражабов Маслаҳат кенгаши низомининг лойиҳаси ҳақида сўзлади. Шу аснода вилоят ҳокимларидан бири боя айтганимиз иштибоҳни тилга олди: тузилажак кенгаш илгариги партбюрога ўхшаб қолмайдими?

Жавоб бўлдики, йўқ! Низом лойиҳасида аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган: «Маслаҳат кенгаши Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ доимий ишлайдиган маслаҳат органи сифатида ташкил қилинади».

Президент бу жумлани янада соддароқ қилиб айтдики, Ватанимиз мустақил бўлгач, мамлакатимиз раҳбарияти зиммасига илгари дуч келинмаган янги ташвишлар юки тушди. Булар азобли, айни пайтда шарафли ташвишдир. Шуни айтиш керакки, юртбошиларимизга илгари бир жиҳатдан анча қулай эди, яъни улар республиканинг ташқи сиёсати, мудофааси, хавфсизлиги каби оғир ва чигал муаммолар ҳусусида бош қотирмас эдилар. Буларнинг ҳаммаси Москвада ҳал қилинар эди. Энди йигирма икки миллионли халқни бағрига олган бу улкан Ватан — мустақил. Уни жаҳоннинг бир юз йигирмадан кўпроқ мамлакати тан олди. Дунё бизни, биз дунёни танимоқдамиз. Хориж билан борди-келдимиз ривожланмоқда. Дунёда кечаётган воқеаларга энди Ўзбекистон ҳам фикрини айтмоғи керак. Ёхуд мамлакатимизнинг ички сиёсатига оид муаммолар камми? Бундай улкан масъулиятли вазифаларни ҳал этишни ёлгиз Президент зиммасига ташлаб қўйиш тўғри бўлмайди. Бир киши бир киши-да, шунинг учун вилоятларнинг, масъул соҳаларнинг бошида турган раҳбарларнинг ҳам фикрлари ҳисобга олиниб, ишга киришилса, хатолар камроқ бўлади. Чунки халқ айтиб қўйган: кенгашли тўй тарқамас.

Бу айрим биродарларимизни ортиқча ташвиш чекишдан ҳам қутқаради: яккаҳокимликнинг олдини олади. Ислом Каримов буни алоҳида таъкидлади: «ақлли ҳоким бамаслаҳат иш қилади». Табиийки у киши ҳоким дейиш билан барча раҳбарларни назарда тутди.

Президентимизнинг фикрича, шундай маслаҳат кенгашлари вилоятларда тузилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо уларни туман, колхоз-совхоз ёки корхоналар ҳузурида ташкил этиб, масалани жўнлаштирмаган маъқул.

Хуллас, шундай бир кенгашга эҳтиёж сезилган эди, у ташкил этилди. Унга мамлакат Президенти раҳбарлик қилади. Республика Бош вазири ва унинг биринчи ўринбосари, давлат котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, республика ташқи сиёсат маҳкамаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, қуролли кучларнинг раҳбарлари, давлат назорат комитети раиси Маслаҳат кенгаши аъзоси бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раислари ҳам Маслаҳат кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

Кенгашнинг аҳамиятини унинг илк мажлисида муҳокама этилган масалалар ҳам яққол кўрсатди. Мажлисда республикамиз делегациясининг Покистон Ислом Жумҳуриятига қилажак расмий ташрифи масаласи кўриб чиқилди. Бу ҳақда ташқи ишлар вазири Убайдулло Абдураззоқов ахборот берди. Раҳбарларимиз узоқ-яқин мамлакатларда бўлишди. Олтмишга яқин расмий ҳужжатларга имзо чекилди. Ўтган сафарларнинг аксари дастлабки натижаларини бера бошладики, буни кўриб-билиб турибмиз. Аммо ён қўшниларимиз — Покистон, Эрон ва Афғонистон сари юз бурмоқ, улар билан алоқаларимизни ҳар томонлама ривожлантирмоқ фурсати етди, деди Президент. Бунинг учун, аввало Афғонистондаги муҳорабалар тиним топиб, вазият мўътадил маромига ўтмоғи керак. Президентимизнинг Покистонга сафари бу муаммони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

СУРАТДА: йиғилиш пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бош вазиримизнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ана шулар ҳақида ахборот берди ва вилоят ҳокимларини бу борада янада фаолроқ бўлишга чақирди.

Келгуси ҳосилнинг тақдири пахта йиғим-теримига тўланажак ҳаққа ҳам боғлиқ. Президент қўлда терилажак ҳар кило «оқ олтин» учун камида икки сўм, машинада териладиган бир тонна пахтага юз сўмдан ҳақ тўлашни таклиф қилди. Бу лутфни барча алоҳида илтифот билан маъқуллади. Аммо Ислом Каримов масалани тағин-да кескин қўйди: теримчиларга тўланадиган ҳақ икки сўмдан кам бўлмасин. Шартни бузган хўжалик раҳбарларига нисбатан кескин чора кўрилсин. Негаки, ўтган йили теримчиларни алдаб, белгиланганидан кам ҳақ тўлаган раҳбарлар ҳам бўлди. Англамоғимиз керак, халқни алдаш билан давлатни бойитиб бўлмайди. Маблағ топган хўжалик терим мавсумида ҳар кило пахта учун 5-6 сўмгача ҳақ тўлаши мумкин, деб таъкидланди мажлисда.

Вилоят раҳбарларидан бири таъминот, нархнаво масаласини кўтарди. Инсоф билан айтганда, мамлакат раҳбарларига ҳам осон тутиб бўлмайди. Ҳукумат энг кам таъминланганларни ўз кафолатига олган, ўртача нафақа эса салкам 2000 сўмга етган бўлса, атрофга ҳам қарайлик. Ана Россияда нонинг нархи 30 сўмни қоралаб қолди. Ён қўшниларимиз бир кило ўсимлик мойини 70—80 сўмдан олишмоқда. Бу маҳсулотлар учун республикамиз бюджетидан қўшимча 14 миллиард сўм тўланяпти.

Очиғини айтганда, Ўзбекистондаги бу нисбий арзончилик айрим «ишбилармонлар»нинг тегирмонига сув қуйяпти. Улар озиқ-овқат, кийим-кечак ва саноат маҳсулотларини мамлакатимиздан турли ҳийла-найранглар билан олиб чиқиб, четда 2-3 баравар ортиғи билан сотишга уринмоқдалар. Президент кенгаш аҳлига маслаҳат солдики, бу нопок йўлга каттароқ тўғон қўйсак яъни республика Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги халқ истеъмоли моллари ноқонуний йўллар билан Ўзбекистондан четга олиб чиқиб кетувчиларга қарши кураш инспекцияси билан божхонани бирлаштирсак, божхона комитети ташкил этсак. Бу таклиф ҳам маъқулланди. Яқин кунларда Президентимиз бу ҳақдаги махсус фармонга имзо чексалар ажаб эмас.

Икки ойда камида бир марта йиғилажак Маслаҳат кенгашининг илк мажлисида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Кенгашганга — кенг дунё». Бизнинг мана шундай баҳамжиҳат, бамаслаҳат ва оқиллик билан кенг дунёга чиқмоқчи бўлаётганимизни қутламоқ керак.

Қулмон ОЧИЛ.
(ЎзА).

МАСЛАҲАТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАН РЕПОРТАЖ

Ўз уйимизда, қўшни юртларда осойишталик барқарор бўлса, амалга оширилажак ишлар жуда кўп. Шу ўринда Президентимизнинг қурилажак Термиз-Қарочи автомобиль йўли ҳақида завқ-шавқ билан сўзлаганини айтмоқ керак. Ахир, бу йўл боболаримиз Навоий, Бобур мирзолар юрган сарҳадлар, яшаган шаҳарлар бўйлаб ўтади. Бизни сув йўлига олиб чиқади—дунёнинг беҳудуд уммонлари билан боғлайди. Қурилажак йўлнинг сиёсий ва иқтисодий аҳамияти айниқса катта. Маълумки, юк ташишнинг энг арзон тури — сув йўли. Шу боис, деб таъкидланди мажлисда, салкам 2,5 минг километрли бу йўл ишга туширилса, нафақат Ўзбекистон халқи, Афғонистон ва Покистонда истиқомат қилаётган минглаб, миллионлаб биродарларимиз учун ҳам янги-янги имкониятлар очилади. Янги иш жойлари пайдо бўлади, алоқаларимиз мустаҳкамланади.

«Йўл бор жойда тинчлик, маданият ривож топади», деди Ислом Каримов. Президентимизнинг Покистонда кечажак олиймақом учрашувларида ана шундай қутлуғ ишларга асос солинишига умид қилинмоқда.

Бугун қайси даврада иқтисодий муаммолар ҳақида гап кетмайди дейсиз. Маслаҳат кенгаши мажлиси ҳам бу муаммони четлаб ўтмади. Куз, пахта йиғим-терими палласи келяпти. Ношукурлик бўлмасин, бу йилги баҳорни қўя турайлик, ҳатто саратон ҳам серёғин келди. Пахта кечроқ етилмоқда. Шунинг таъсиридами, жойларда кузги йиғим-теримга ҳали жиддий тайёргарлик кўрилганича йўқ. Зарур техниканинг ярми ҳам шайланмаган. Пахта қабул қилиш пунктларини заводлардаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1992 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТУГАЛЛАШ ВА ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси бу йилги шароитда кўпгина районларда ва вилоятларда бетартиблик ва сусткашлик юз бераётганини, ғўза баргини тўктиришга тайёргарлик кучайтирилмаганини, пахта териш техникасини созлаш чўзилиб кетаётганини таъкидлайди.

Сирдарё вилояти хўжаликларида ғўза баргини тўктириш учун ерда ишлатиладиган 242 та пуркагич, Сурхондарё вилоятида 191 та, Жиззах вилоятида 125 та, Тошкент вилоятида 264 та пуркагич ремонт қилинмаган. Пуркагич машиналарга дефолиантлар қўйиладиган пунктларни насослар, материаллар, коржома ва хусусий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тугалланмаган.

«Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси (ўртоқ Шарипов) хўжаликларга дефолиантлар етказиб бериш масалаларини етарли даражада тез ҳал қилмаяпти. Сирдарё, Қашқадарё ва Андижон вилоятларига зарур дефолиантларнинг ярми ҳам келтирилган эмас.

Жиззах вилояти хўжаликларида пахта териш машиналарининг 31 фоизи, Сирдарё вилоятида 39 фоизи, Қашқадарё вилоятида 24 фоизи йиғим-теримга тахт қилинган эмас. Избоскан, Жиззах, Тўрақўрғон, Пастдарғом, Комсомол районларида ва бошқа бир қанча районларда пахта териш машиналарининг атиги 45—55 фоизи ишга тахт қилиб қўйилган, холос. Тошкент вилоятида мавжуд кўрак териш машиналарининг 38 фоизи ва кўрак чувиш машиналарининг 30 фоизи, Қашқадарё вилоятида кўрак узиш машиналарининг 29 фоизи ва кўрак чувиш машиналарининг 20 фоизи, Самарқанд вилоятида кўсак узиш машиналарининг 46 фоизи ва кўрак чувиш машиналарининг 39 фоизи ремонт қилинмаган.

Янги ҳосил пахтасини қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга тайёргарлик ҳам қониқарли эмас. Пахта заводларининг 18 фоизи ва тайёрлаш пунктларининг 56 фоизи мавсумга тахт қилинган, холос. Қуритиш-тозалаш цехларини тайёрлаш эса ҳамма жойда кечикмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида дала шийпонларининг деярли ярми ҳанузгача ремонт қилинмаган, тарозиларнинг 30 фоизи текширилмаган, пахта териш учун этаклар, механизаторлар учун коржомалар етишмайди. Бу масалаларга Андижон, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари хўжаликларида ҳам тегишлича эътибор берилмаяпти.

Хўжаликларнинг молиявий аҳволининг оғирлиги пахта йиғим-теримига тайёргарликка доир кўпгина тадбирларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмоқда. Қишлоқ хўжалик вазирлиги (ўртоқ Қўчқоров) колхозлар ва совхозлар иқтисодиётини соғломлаштириш, пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини ошириш билан етарли шуғулланмаяпти.

Пахта йиғим-теримига тайёргарликда йўл қўйилган ана шу ва бошқа камчиликларнинг сабаби кўп жиҳатдан шундаки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик таъминот ва ремонт давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ҳокимликлари юз берган вазиятнинг жиддийлигини тушуниб етмаётирлар, тайёргарлик ишларини ўз вақтида сифатли тугаллаш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш хусусида собитқадамлик билан ташкилотчилик ишларини олиб борамаётирлар.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жиззах (ўртоқ Турсунов), Сирдарё (ўртоқ Маҳмудов), Қашқадарё (ўртоқ Хидиров), Сурхондарё (ўртоқ Бердиев) ва Тошкент (ўртоқ Сайдалиев) вилоятлари ҳокимликларининг, Қишлоқ хўжалик вазирлигининг (ўртоқ Қўчқоров), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик таъминот ва ремонт давлат-кооператив комитетининг (ўртоқ Ҳусанов) эътибори улар йиғим-терим техникасини, пахта заводларини, тайёрлов пунктларини, қуритиш-тозалаш цехларини, дала шийпонларини мавсумга тайёрлашни тугаллаш юзасидан кўраётган чоралар етарли эмаслигига қаратилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик таъминот ва ремонт давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, республика Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети пахта йиғим-теримига тайёргарликка доир ишларнинг бутун мажмуини ўз вақтида сифатли бажаришни ва пахта йиғим-терими мавсумини ҳосил нобуд бўлишига йўл қўймай қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказишни таъминласинлар.

Пахта йиғим-терими ишларини бажариш учун ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш жадвали тасдиқлансин.

«Фарғонанефторгсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 июлдаги 317-рақамли қарорида тасдиқланган ҳажмда енгил нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан зарур чораларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимликлари билан биргаликда пахта етилишининг кутилаётган муддатларини ҳисобга олиб, ғўза баргини қисқа муддатда сифатли тўкдириш юзасидан табақаластирилган топшириқ-жадвални ишлаб чиқсин, «Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси шу йил 15 сентябргача ғўза баргини тўкдиришда ишлатиладиган дориворларни хўжаликларга керакли миқдорда етказиб берсин. Дала шийпонларини, хирмонларни, кўприкларни ва тарозиларни ремонт қилиш йиғим-терим бошлангунга қадар тугалласин. Пахта йиғим-теримида қатнашувчилар учун меъёрий маиший ва ишлаб чиқариш шароити яратилсин, бунда пахта йиғим-теримига жалб этилган одамларни жойлаштириш учун биноларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги (ўртоқ Қўчқоров), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик таъминот ва ремонт давлат-кооператив комитети (ўртоқ Ҳусанов) шу йил 10 сентябргача мавсумга тайёрланган пахта териш техникасини ишчи комиссиялари қабул қилиб олишини, теримтранспорт отрядлари икки сменада ишлаши учун механизаторлар билан таъминланишини ташкил этсин. Пахта териш машиналарининг барча механик-ҳайдовчилари махсус кийим билан таъминлансин, бундай кийим марказлаштирилган тартибда тикилиши ташкил этилсин. Умумий ҳосилнинг камида 60 фоизини машиналар билан йиғиб олишни кўзда тутиб, ҳосил йиғим-терими даврида фойдаланиладиган ҳамма машиналар ва механизмлар узлуксиз ишлашини таъминлаш учун моторлар, бошқа узеллар ва агрегатларни, эҳтиёт қисмларни, ремонт материалларини алмаштириш жамғармаси барпо этилсин. Пахта териш машиналари ва трактор прицеплари юқори унум билан ишлаши таъминлансин.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги пахта заводлари ва тайёрлаш пунктлари ремонтини шу йил 10 сентябргача тугалласин.

Қишлоқ хўжалик таъминот ва ремонт давлат-кооператив комитети шу йил 10 сентябргача фондларга мувофиқ пахтани қўлда териш учун ажратилган этакларни колхозлар ва совхозларга сотишни таъминласин.

3. «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги» концерни (ўртоқ Юсупов) хўжаликларга уларнинг буюртмаларига мувофиқ эҳтиёт қисмлар, машиналар ва механизмларни зарур миқдорда етказиб беришни таъминласин.

Пахта йиғим-терими мавсуми даврида техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси — Қорақалпоғистон Республикасига, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги» ишлаб чиқариш бирлашмаси —Сирдарё вилоятига, «Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги» ишлаб чиқариш бирлашмаси — Қашқадарё вилоятига, «Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги» — Жиззах вилоятига биркитиб қўйилсин. Техникани ремонт қилиш ва уларга техник жиҳатдан қараб туриш учун шу вилоятларга моддий ресурслар ва малакали ходимлар юборилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг пахта теримида совхозларнинг истеъмол жамғармаси ҳисобидан икки қаторли пахта териш маш-

(Давоми учинчи бетда).

● *ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН*

МАЪРИФИЙ ЮРИШ

● Ҳозирги шароитда маҳаллаларнинг жамиятда тутган ўрни беқиёсдир. Зеро, «Маҳалла — ота-онанг» деб бежиз айтмайдилар. Шу боис республика ҳукумати, шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маҳаллаларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Ў йил бошида Тошкент шаҳар маҳалла қўмиталарининг фаоллари билан бўлган учрашувда маҳалланинг жамиятда тутган ўрни нақадар юксак эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Виждон, имон, эътиқод ва диёнат, Ватан туйғусини ҳис этиш худди шу маҳалладан бошланади.

Бугунги кунда маҳалла қўмиталари аҳолининг истиқомат жойларида чиндан ҳам ўз-ўзини бошқариш бўғини бўлиб қолиши керак. Бу ўринда маҳалла қўмиталари ишини ривожлантириш борасида пойтахт тажрибаси алоҳида ўрин тутади. Ҳозирги кунда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 370 тадан ортиқ маҳалла қўмиталари ишлаб турибди. Мазкур маҳаллаларда эса 1 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу жойларда ўғирлик, жиноятчилик ва бошқа қатор иллатлар кескин камайиб бормоқда. Кўп қаватли уйлар қошида ташкил этилаётган маҳаллаларда ҳам унутилиб кетган қадриятлар қайта тикланмоқда, янги миллий урф-одатларимиз, удумларимиз қадр топмоқда, янги анъаналар пайдо бўлмоқда, мавжудлари эса замонга мос ҳолда такомиллашмоқда, ихчамлаштирилмоқда, бир сўз билан айтганда, барча-барча ишлар ўз ривожини топмоқда.

КЕЙИНГИ икки йил мобайнида республика пойтахтида маҳаллаларни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган «Маҳалла дастури» Тошкент шаҳрини ривожлантириш ва ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича алоҳида ўрин тутмоқда. Бундай дастурлар бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, шаҳарлари учун ҳам ҳаводек зарурдир.

Шу боис мустақил Ўзбекистон Республикасида маҳалла қўмиталари ишини ривожлантириш, жойларда аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимияти ва «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллалар ва уй қўмиталари ишлари билан шуғулланувчи Кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасининг маҳалла қўмиталари тўғрисидаги Низом» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бугун у газетамизнинг 3-саҳифасида эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Бугун эса ана шу Низом лойиҳасини тушунтириш ва тарғибот қилиш учун «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИ ВИЛОЯТЛАР БЎЙЛАБ МАЪРИФИЙ ЮРИШ БОШЛАДИ. Бу катта сафар таассуротлари билан Сизларни мунтазам таништириб борамиз.

Маърифий юриш аъзолари билан сафар олдидан Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ҳам суҳбатлашди. Бугун Тошкент шаҳар Кенгаши маҳалла ва уй қўмиталари билан ишлаш доимий комиссияси раиси Шукур Темуров бошчилигидаги маърифий юриш гуруҳи аъзолари Фарғонага жўнаб кетдилар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун тадбиркорликни ривожлантириш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашуви — баҳслашувига йўл бермайдиган, чеклаб қўядиган ёки уни йўқ қиладиган қўшимча фойда олиш мақсадидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини англатувчи монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва пайини қирқишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қонунни қўлланиш соҳаси

1. Ушбу Қонун республика ва маҳаллий товарлар бозоридаги фаолиятда қатнашаётган мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, айрим мансабдор шахслар ўртасидаги муносабатларга татбиқ этилади.

2. Юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида содир этаётган хатти-ҳаракатлар ёки тузаётган битимлар республика бозорида рақобатнинг чекланишига олиб келаётган ёки бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлаётган ҳолларда ҳам ушбу Қонун қўлланилади.

3. Қонун:

энергетика тармоғи корхоналари;

мудофаа аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар;

магистраль темир йўллар;

қувур ўтказиш транспорти;

умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоқа тизимлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди.

Қонун, шунингдек ихтиролар, саноат намуналари, товар белгилари ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш меъёрларини тартибга солувчи муносабатларга ҳам татбиқ этилмайди. Бу ҳуқуқлар уларнинг эгалари томонидан рақобатни чеклаш мақсадида қасддан қўлланилаётган ҳоллар бундан мустаснодир.

4. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида монополияга қарши тадбирларни амалга ошириш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгилаб берилади.

II. МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ВА ҒИРРОМ РАҚОБАТНИ ЧЕКЛАШ ВА ТАҚИҚЛАШ

2-модда. Бозордаги устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик

1. Устун мавқе деганда хўжалик юритувчи субъектнинг муайян товар бозоридаги улуши монополияга қарши фаолиятини амалга оширишга ваколатли идора белгилаб қўйган энг юқори меъёр чегарасидан ошиб кетган ва бу ҳол унга мустақил равишда ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш кўриб, товарларнинг олди-сотдисига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириб қўйиш ва шу тариқа истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зиён етказиш имконини берадиган ҳукмрон мавқеи тушунилади.

2. Бозорда устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг қуйидаги хатти-ҳаракатлар қилиши тақиқланади;

бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида товарлар ишлаб чиқаришни камайтириш ёхуд тўхтатиб қўйиш, шунингдек уларни муомаладан олиб қўйиш;

мўмай фойда олиш мақсадида ҳаддан ташқари баланд нарх белгилаш ва уни сунъий равишда шундай ушлаб туриш, нархларни асоссиз равишда пасайтириш, давлат томонидан бошқариб туриладиган нарх-навони бошқа йўсинда бузишлар;

хўжалик юритувчи субъектларга уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан нотенг аҳволга солиб қўядиган шартларни тиқиштириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришига ўзгача тўсқинлик қилиш.

3-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида қонунга хилоф битимлар тузилишини (келишиб қилинадиган ҳаракатларни) тақиқлаш

1. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида:

кимошди савдоларида, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни ошириш, сақлаб туриш ёки пасайтириш;

бозорларни ҳудудий принцип бўйича, олди-сотди ҳажми бўйича, сотилажак товарларнинг турлари бўйича, сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) доираси бўйича ёхуд уларни монополия қилиб олиш мақсадида бошқа белгилар бўйича тақсимлаб олиш;

сотувчи ёки харидор (буюртмачи) сифатида хўжалик юритувчи ўзга субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни бозордан сиқиб чиқариш;

муайян сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) билан шартномалар тузишдан бош тортиш мақсадида тил бириктириш;

рақобатни жиддий тарзда чеклайдиган ёки чеклаши мумкин бўлган бошқа тадбирларни амалга ошириш йўли билан рақобатни чеклашга қаратилган битимлар тузиш (келишиб ҳаракат қилиш) тақиқланади ҳамда ҳақиқий эмас, деб топилади.

2. Бири устун мавқега эга бўлган, иккинчиси эса маҳсулот етказиб берувчи ёки истеъмолчи (буюртмачи) бўлган ва бир-бири билан рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган битимлар (келишиб ҳаракат қилишлар), башарти бундай битимлар пировардида рақобатни жиддий тарзда чеклаб қўйса, ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, бундай битимлар (келишиб ҳаракат қилишлар) ҳақиқий эмас, деб топилади.

3. Алоҳида ҳоллардагина хўжалик юритувчи субъектларнинг ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида айтиб ўтилган хатти-ҳаракатлари, башарти бу субъектлар ўз хатти-ҳаракатлари бозорнинг товарлар билан мўл бўлишига, товарларнинг истеъмол хусусиятлари яхшиланишига ёки ташқи бозорда ўзларининг рақобат лаёқатларининг ошишига ёрдам беришини исботлаб бersалар, тўғри деб топилиши мумкин.

4-модда. Рақобатни чеклайдиган ташкилий қайта тузишларни тақиқлаш

1. Бозорда устун мавқега эга бўлишини таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, бирлаштириш, қўшиб олиш, қайта тузиш, тугатиш, уларнинг хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг (шу жумладан ҳамма турдаги хўжалик уюшмаларининг) устав жамғармасида иштирок этиши тақиқланади.

2. Товарлар (хизматлар) бозорида монополистик фаолият олиб бораётган ёки рақобатнинг жиддий равишда чекланишига олиб келувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий тартибда бўлиб юборилиши мумкин.

5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чекловчи хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, уларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини чекловчи, улардан айримларининг фаолият олиб боришини камситувчи ёки, аксинча, улар учун қулайлик туғдирувчи шароит яратиб берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга ёки ҳаракатлар қилишга ҳақли эмаслар, башарти бундай ҳужжатлар ёки ҳаракатлар ўз пировардида рақобатнинг жиддий равишда чекланишига ёки хўжалик субъектлари ёхуд жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар етказилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қуйидаги ҳаракатларни қилиши тақиқланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян фаолият турларини амалга оширишига, айрим товар турларини ишлаб чиқаришга тақиқ белгилаш, қонунларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни бозордан четлатиш;

хўжалик юритувчи айрим субъектларга уларни бозорга ҳудди шу хил товар чиқараётган хўжалик юритувчи бошқа субъектларга нисбатан устун мавқега қўядиган солиқ имтиёзи ёки ўзга имтиёзларни асоссиз равишда бериш;

хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузишда кимгадир устунлик бериш тўғрисида ёки муайян харидорлар (буюртмачилар) доирасига молларни биринчи навбатда етказиб бериш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) тўғрисида кўрсатмалар бериш;

фаолиятнинг муайян соҳасида хўжалик юритувчи янги субъектлар ташкил этишга асоссиз равишда тўсқинлик қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигини чекловчи қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар содир этиш.

2. Мансабдор шахсларга (Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган рўйхатдаги мансабдор шахсларга) қуйидагилар тақиқланади:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

корхонанинг эгаси ёки муассиси бўлиш;

давлат тасарруфида бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув идораларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш;

акцияли жамиятларнинг, масъулияти чекланган жамиятларнинг ёки бошқа хил ширкатларнинг умумий йиғилиши қарорларини қабул қилишда мустақил равишда ёки вакил орқали ўзига тегишли акциялар, улуш қатнашувидаги ҳисса воситасида овоз бериш.

6-модда. Ғирром рақобатни тақиқлаш

Ғирром рақобатга, шу жумладан:

хўжалик юритувчи бошқа субъектнинг мол-мулки ва тадбиркорлик нуфузига зиён етказиши мумкин бўлган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тарқатишга;

товар белгисидан, товарнинг фирма номидан ёки маркасидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, шунингдек хўжалик юритувчи бошқа субъект товарининг шаклини, идишини, ташқи безагини айнан кўчириб олишга;

илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, савдо ва бошқа соҳага оид махфий ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш ва уни ошкор қилишга;

товарларнинг хусусияти, уларни тайёрлаш усули ва ўрни, истеъмол хоссалари ва сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишга;

хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини чекловчи хатти-ҳаракатлар қилишга йўл қўйилмайди.

III. МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ВА ҒИРРОМ РАҚОБАТНИ ТАҚИҚЛАШ ТАДБИРЛАРИ

7.модда. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора

1. Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши давлат сиёсатини юргизиш мақсадида монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора тузилади, унинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат бўлади;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, товар бозорида рақобатни ривожлантириш;

монополистик фаолиятнинг, бозордаги устун мавқени суиистеъмол қилишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликка, монополист корхоналар белгилайдиган нарх-наволарни бошқариб боришга, ғирром рақобатнинг пайини қирқишга қаратилган чоралар кўриш;

монополияга қарши қонунларга риоя этилишини назорат қилиб туриш.

2. Монополияга қарши қонунлар бузилган ҳолларда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисида, асоссиз орттирилган даромадни тегишли бюджетга ўтказиш тўғрисида, хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тартибда майдалаб (бўлиб) юбориш тўғрисида ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги устун мавқеини бартараф этиш ёки пасайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар тўғрисида хўжалик юритувчи субъектлар бажариши шарт бўлган кўрсатмалар беришга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларга, бошқарув идораларига ва мансабдор шахсларга жарима солишга ҳақлидир.

3. Тегишли ҳолларда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора материалларни қонунда белгилаб қўйилган тартибда кўриб чиқиш учун суд ёки ҳакамлик судига, прокуратура идораларига юборади.

8-модда. Зарарни қоплаш

1. Монополияга қарши қонунларни бузган хўжалик юритувчи субъект ўзининг монополистик фаолияти, бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилиши ёки ғирром рақобати оқибатида етказилган зарарни суд ёки ҳакамлик судининг қарорига биноан жабр кўрган хўжалик юритувчи субъектга тўлашга мажбурдир.

2. Агар бошқарув идорасининг монополияга қарши қонунларни бузиб қабул қилган ҳужжати туфайли хўжалик юритувчи субъектга зарар етказилган бўлса жабрланувчи томон зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан ҳакамлик судига мурожаат этишга ҳақлидир.

9-модда. Монополияга қарши қонунларни бузганлик учун жарималар

1. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги ҳолларда:

а) қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, ушбу Қонунга зид шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун:

бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъект бўлган юридик шахсларга — 100 минг сўмдан 1 миллион сўмгача миқдорда;

хўжалик юритувчи субъект бўлган жисмоний шахсларга — 10 минг сўмгача миқдорда;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига — 2 минг сўмгача миқдорда;

б) монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идорага хабар бермаганлик ёки қасддан нотўғри маълумот берганлик учун:

бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъект бўлган юридик шахсларга — 50 минг сўмгача миқдорда;

хўжалик юритувчи субъект бўлган жисмоний шахсларга — 5 минг сўмгача миқдорда;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига — 1 минг сўмгача миқдорда жарима солишга ҳақлидир.

Жарималар миқдори нархнаво даражасининг ўзгаришига мувофиқ равишда индексациялаб турилади.

2. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора томонидан солинган жаримани хўжалик юритувчи субъект, бошқарув идораси ёки мансабдор шахс жарима солинганлиги тўғрисидаги қарорни олган пайтдан бошлаб 30 кун ичида тўлаши керак.

Жаримани белгиланган муддатда тўлашдан бўйин товланган ёки жарима тўлиқ миқдорда тўланмаган тақдирда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора тегишли ариза билан судга ёки ҳакамлик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Агар жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг дарҳол ижро этилиши корхонани синишга олиб келиши мумкин бўлса, у ҳолда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора, суд ёки ҳакамлик суди жарима солинган хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига биноан унга жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш имконини беришга ҳақлидир.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора томонидан солинган жарималар тегишли бюджетга тўланади ёки шу бюджет фойдасига ундирилади.

10-модда. Ушбу Қонунни бузганлик тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш учун асослар

1. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора монополияга қарши қонунларни бузиш ҳолларига оид ишларни ўз материаллари асосида, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, истеъмолчилар ва айрим шахсларнинг аризалари прокуратура, суд ва ҳакамлик судининг материаллари асосида қараб чиқади.

Аризалар монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идорага ёзма шаклда берилади, уларга монополияга қарши қонунларни бузиш ҳолларидан шоҳидлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади.

Аризалар ва ҳужжатларнинг мазмуни ошкор қилиниши мумкин эмас.

2. Суд ёки ҳакамлик суди монополияга қарши қонунларни бузганлик ҳақидаги ишларни монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг аризаси, прокуратура материаллари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқарув идораларининг мурожаатлари асосида қараб чиқади.

11-модда. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби

1. Бошқарув идоралари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг қарорларига норози бўлган тақдирда бундай қарорларнинг бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақидаги ёхуд жарима солинганлик тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ариза билан судга ёки ҳакамлик судига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

2. Аризалар ҳакамлик суди томонидан — бошқарув идораларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаларни қараб чиқиш учун белгиланган тартибда, суд томонидан эса — маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриш учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган тартибда қараб чиқилади.

3. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарлар манфаатдор шахсларнинг даъвосига биноан қонунда белгиланган тартибда қоплади.

12-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг асоссиз равишда орттирган фойдасини тортиб олиш

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг кўрсатмаси бажарилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилиш ёки ғирром рақобат натижасида олган фойдаси суднинг ёки ҳакамлик судининг қарори билан тегишли бюджет фойдасига тортиб олинади.

13-модда. Монополияга қарши қонунларга риоя этилиши устидан жамоат назорати

Ўз низомларига кўра рақобатни ривожлантиришга ва истеъмолчиларнинг манфаатларини монополистик фаолиятдан ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадини кўзловчи жамоат уюшмалари тегишли идоралар билан ҳамкорликда монополияга қарши қонунларга риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Мазкур уюшмалар ўз фаолиятларида амалдаги қонунларга риоя қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси зиммасига икки ойлик муддат ичида:

монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқарув идорасини тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг ушбу Қонунга зид келадиган норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминлаш вазифалари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси устидан назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

• Рўзнома мулоқотга чорлайди

ПОДПОЛКОВНИК НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ?

ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ЧЕТГА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВИЛОЯТ ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИГА САМАРҚАНД ҲОКИМИ ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРДИ. САБАБ?

● Самарқанд жумҳуриятда энг йирик вилоятлардан ҳисобланади. Бу ерда етиштирилаётган ноз-неъматлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларига, ҳамдўстликка кирувчи республикаларга жўнатилади. Очиғи, бу борада тартиб-интизом ўрнатиш ниҳоятда қийин кечяпти. Машинада ташиганлари етмагандек, вагон-вагон юкларни рухсатсиз чет манзилларга жўнатишяпти... Бундан сабр косаси тўлган вилоят ҳокимияти шу йилнинг март ойида товар-моддий бойликларни ташиб кетишда тартиб-интизомни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳокимият қошида бевосита шу масала билан шуғулланадиган комиссия иши қониқарсиз, деб топилди ва унинг фаолияти тўхтатилди. Ҳоким муовини А. Раҳматов раҳбарлигида товар-моддий бойликларни четга чиқариш муаммоларини кўриб чиқувчи комиссия тузилди.

Афсуски шундан кейин ҳам ўғриликлар ва қонунсиз операцияларга барҳам берилмади. Аксинча, қўшни вилоятлардан Самарқанддан юк ўғирлаб чиққан машиналар ушланганлиги тўғрисида сигналлар кела бошлади. Бу нарса вилоят раҳбарларини ташвишлантирмасдан қўймади, албатта. 27 июль куни ҳоким ўринбосари А. Раҳматов номига Жомбой темир йўл станцияси бошлиғи Т. Рауповдан қуйидаги мазмунда шошилинчнома келди:

«Тойлоқ тайёрлов савдо идораси вагонларга юк ортишда вилоят ҳокимиятининг қарорини мунтазам равишда бузиб келаётир. Карам, қароли, олма ўрнига вагонларга картошка, томат пастаси, пиёз ва помидор жойланаётир. Бу ҳақда давлат инспекциясига хабар бергандик. Бироқ инспекция ходимларининг ўзлари ушбу ғайриқонуний ҳаракатга йўл очиб бермоқдалар»...

Хуллас, товар-моддий бойликларни четга чиқаришни назорат қилишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги масала икки кундан кейин ҳокимиятнинг кенгайтирилган мажлисида кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими давлат инспекцияси фаолиятидан норози эканлигини яшириб ўтирмади:

— Фақат боқибеғамлик эмас, инспекция аъзоларининг айрим ҳаракатларга шериклиги мени ҳайратга солаётир, — деди ҳоким. — Мана битта мисол. Шу йилнинг 30 апрель куни Самарқанд аэропортидан Ялта орқали Туркияга учадиган самолёт йўловчилари салонда текширилганда икки кишида катта миқдорда олтин ва кумуш, АҚШ доллари борлиги аниқланди. Ваҳолонки, уларни аэропортда инспекция ходимлари текширишган. Наҳотки, олтин ва кумуш, АҚШ доллари замонавий аппаратда кўринмасдан ўтиб кетса?! Бунақа паришонхотирликлар ҳақида бизга деярли ҳар куни ахборот келиб турибди.

Ҳокимият мажлисида товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетишни назорат қилиш вилоят инспекцияси ишидаги камчиликлар айтиб ўтилди. Вилоят ҳокими мазкур инспекция бошлиғи подполковник Ренат Маллаевни ўз вазифасига нолойлиқ, деб топди. Ана шу масалани назорат қилишда етарлича изчиллик кўрсатилмаётганлиги учун вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Б. Юнусов, молия бошқармаси бошлиғи Э. Уммматов, вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи Р. Зоҳидов қаттиқ огоҳлантирилдилар. Каттақўрғон шаҳар ҳокими Б. Зокировга шаҳардаги айрим корхоналарда шу соҳада тартибсизликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Вилоят ҳокими ўринбосари А. Раҳматовга бундай ҳолларга чек қўйиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Шу билан мақолага нуқта қўйиш мумкин эди. Лекин ушбу инспекция фаолиятини чуқурроқ ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Чунки улар ҳақида кўпчиликда тиниқ тасаввур йўқлиги маълум бўлиб қолди.

Назаримда ички ишлар бошқармаси ишнинг индоллосидаёқ хатога йўл қўйган. Жумҳурият Ички ишлар вазирлигининг кўрсатмасида янги идора камида уч йил иш стажига эга бўлган 35 нафар давлат автомобиль назорати инспекторлари ва 10 нафар тажрибали БХСС чилар билан тўлдирилиши айтилган. Бироқ Самарқандда бу йўл-йўриқ қўпол равишда бузилган. Ҳозирги пайтда инспекцияда бор-йўғи 4 нафар ДАН инспектори, икки нафар «собиқ» БХСС чи ишлаб турибди, холос. Қолганлари қимлар, деб сўрарсиз. Қолганлари ҳушёрхона ва санитария милициясида, қабулхонада «тажриба» орттирган кадрлардир. Ахир машинани қандай қилиб тўхтатишни билмаган одам, товар операциясидаги қувликни англай оладими?

Тўғри, инспекция ходимларининг барчасини ношудликда айблаб бўлмайди. Ёш жамоа ўз олдига қўйилган вазифани бирмунча уддалашга ҳаракат қилмоқда. Шу йилнинг олти ойи мобайнида инспекция томонидан четга товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб кетишга уриниш бўйича 463 та факт аниқланди ва 15 миллион сўмлик товар ушлаб қолинди. Ушбу фактлар юзасидан 312 кишига жарима солинди. 8 миллион сўмлик маҳсулот мусодара қилиниб, давлат ҳисобига ўтказилди...

Бироқ фактлар шуни кўрсатмоқдаки, қилинган ишлар ҳали мутлақо қониқарсиз. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Инспекция ходимлари баъзан ўтаётган юкларни ё сезишмайди, ё атайин уларга хайрихоҳлик билдирадилар. Масалан, КаМАЗ-5440 маркали давлат номери 56—99 бўлган СНН машина (ҳайдовчиси А. Ҳамидов) Самарқанддан ортилган 9,5 тонна юкни Тожикистонга олиб ўтмоқчи бўлганда Сариосиё туманида ушланди. Бахмал туманида эса Ургутдан рухсатномасиз Жамбулга тамаки барги олиб кетаётган иккита машина тўхтатилган. Жомбой темир йўл станцияси бошлиғининг шошилинчномаси ҳам шуларнинг бири. Хуллас айтаверсак гап кўп.

Моддий-товар бойликларни четга олиб чиқиб кетишни назорат қилиш Самарқанд вилояти инспекцияси бошлиғи подполковник Ренат Маллаев фаолиятига вилоят ҳокими ишончсизлик билдирди... Бироқ бу подполковник дарҳол «қулади» деган гап эмас. Унинг асосий маҳкамаси — Тошкентда. Гап подполковникнинг «қулашида» ҳам эмас. «Бош назоратчи» нега «назоратсиз» қолди? Нега у ишончдан бунчалик тез маҳрум бўлди? Назоратга дахлдор маҳкамаларда кадрларни танлаш ва тайинлашдаги юзакичилик қачон барҳам топади?

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овозининг Самарқанд вилояти мухбири.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳаммамизга яхши маълумки, яқин-яқинларгача республикамизга, унинг аҳолисига тегишли бўлган моддий бойликларни четга олиб чиқиш оддий бир ҳол эди. Бунга кўникиб ҳам кетган эдик. Ҳайриятки, мустақиллик бунга чек қўйди. Моддий бойликларни бошқа жойларга ташиб кетишнинг олдини олиш мақсадида махсус маҳкама — товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетишни назорат қилиш республика инспекцияси (бошлиғи У. Абдуғаниев) тузилди.

Маҳкама қисқа муддатда анчагина ишларни амалга оширди. Матбуот хабарларида милиция ходимларининг қўшни республикаларга чиқиб кетаётган миллион-миллион сўмлик бойликларни ушлаб қолаётганликлари ёзиляпти.

Шу билан бирга, ҳали эл мулкининг, халқ ризқининг гумдон бўлишига тўла барҳам берилган эмас. Бу борада ўзига хос камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиб кетишни назорат қилиш республика инспекциясида мингдан знёдроқ одам ишлайди. Бу кўпми, камми? Агар республикамизни ўзга жумҳуриятлар билан боғловчи йўллар жуда кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, албатта кам. Уларнинг ҳаммасини назоратда тутиб туришга давлат инспекциясининг кучи етмаяпти. Боз устига ходимларининг ҳаммаси ҳам бурчини ҳалол бажаряпти, деб бўлмайди.

Лекин катта йўлларчи? Муштарийлардан келаётган сигналларга қараганда, товар бойликлари олиб чиқиб кетиладиган «машҳур йўллар» илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Улар ҳамон бедарвоза!

Назорат ячаклик йўқ эмас, бор. Бироқ, бу ишга масъул айрим кимсаларнинг таъмагирлиги оқибатида олгирлар ўтиб кетишга муваффақ бўлишаётир. Фарқи шуки, илгари йўлтўсарларга бир сўм берилган бўлса, энди ўн чандон знёд кисса кавлашга тўғри келяпти...

Ҳурматли муштарий! Республикамиз дарвозалари мустаҳкаммми? Бу дарвозалар бойликларни олиб чиқиб кетилмаслигига хизмат қиляптими ёки аксиячами? Дарвоза посбонларининг ҳаммаси ҳам ҳалол, покиза, виждонлими? Йўллардаги тўсиқлар қонунийми? Қонун кимга хизмат қилмоқда?

Ана шулар ҳақида меҳнаткаш халқ билишни истайди. Тўғри, ўз вазифасини ҳалол бажараётган милиция ходимлари талайгина. Лекин юқорида айтганимиздек, уларнинг озлиги, бойликлар чиқиб кетувчи йўллар эса ниҳоятда кўплиги учун ҳам қинғирликларга ишончли тўсиқ қўёлмаяпмиз. Бойлигимизни асрашга кенг жамоатчилик фаол киришмас экан, бу борада самарага эришиб бўлмайди. Шунинг учун Сиз азизлардан Республикамиз бойлигини қолаверса, ҳаммамиз, ҳар биримизнинг ризқимизни ташқарига чиқиб кетиши олдини олишда фаол иштирок этишин сўраймиз. Шу билан бирга, милицияга кўмаклашиб қилинган ишлардан хабар берувчи, улар орасида бўлган айрим нопокларни фош этишга кўмаклашувчи хатларингизни кутамиз.

Таҳририятга йўллаган хатлар бойликларнинг четга чиқиб кетиши олдини олишда, камчиликларни тугатишда албатта асқотади, ҳар ким ўз вазифасини виждонан бажаришга кўмаклашади. Ана шунда биз эртага подполковник нега ишдан олинди, деб бир-биримизга савол бермаймиз. Шундай эмасми? Еки сиз бошқача фикрдасизми?

АМЕРИКАДА САМАРҚАНД ТУМАНИ

● Қизиғи шундаки, улар Ўзбекистондан бориб қолишмаган. Зеро, Калифорния штатидаги Санта-Барбара шаҳрининг Самарқанд туманида яшашади.

«Гайа Глоубз» фирмаси президенти Мишель Сент-Сульписнинг Самарқанддаги Тинчлик ва биродарлик жамоатчилик музейига ёзиб юборишича, 1915 йилда доктор Принс Хопкинс Санта-Барбарада 15 гектар майдонда интернат-мактаб қуриб, уни «Самарқанд» деб атаган. Бу калимани маҳаллий аҳоли «Дилга яқин замин» мазмунида тушунаркан.

Кўп ўтмай фақат мактаб эмас, бутун бошли туман шу ном билан юритилган. Кейинчалик мактаб даромадли меҳмонхонага айлантирилган. Ҳатто бу ерда «Самарқанд» деган кўча ҳам бор.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Шаҳрихондаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги ҳудудида янги кучли газ тақсимлаш станцияси ишга тушди.

Станция Андижон вилоятининг бир неча районлари хўжаликлари ва аҳолисини газ билан таъминлашни яхшилашга ёрдам беради. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, станция «Ўзбекгаз» трестининг Андижондаги 3-механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси томонидан қисқа муддатда қуриб битказилди. Бунга қурувчилар билан монтажчиларнинг юқори малакаси, шунингдек машина-ускуна етказиб берувчи завод билан яқиндан алоқа имкон берди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

I ҚИСМ
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Маҳалла қўмиталари аҳолининг истиқомат жойларидаги ўз-ўзини бошқариш бўғинидир. Уларнинг фаолияти маҳалла ҳудудидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, зарур давлат ва жамоат ишларини амалга оширишда ошкоралик ва мустақилликни таъминлашга қаратилгандир.

2. Маҳалла қўмиталари аҳолининг манфаатлари ва эҳтиёжларига даҳлдор бўлган кечиктириб бўлмайдиган масалаларни ҳал этиш учун маҳаллий ҳокимиятнинг қарорига мувофиқ турар жой мавзеларини, кўчаларни ўз ичига олган ҳудудда, туман (шаҳар), қишлоқ, қўрғонча ва овулларда ташкил этилади. Маҳалла қўмитаси фаолият кўрсатадиган ҳудудлар эса тегишли маҳаллий ҳокимият томонидан мазкур маҳалла аҳолисининг фикрини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Маҳалла қўмиталари аҳоли ташаббуси билан давлат ва ширкат (кооператив) уйларидан иборат яшаш жойларида ҳам умумий қоида асосида ташкил этилиши мумкин.

3. Маҳалла қўмиталарининг сайлов йиғилишлари аҳолининг ташаббуси ва тегишли маҳаллий ҳокимият қарорига кўра чақирилади. Унда балоғатга етган аҳолининг камида ярмидан кўпроғи иштирок этганда ёки маҳалла ҳудудидаги кўчалардан сайланган вакиллар қатнашганларида ҳам сайлов ўтказилиши мумкин.

4. Маҳалла қўмитаси раиси (оқсоқоли) аҳоли ёки уларнинг кўча ва мавзеларидан сайланган вакиллари томонидан очиқ овоз бериш асосида сайланади. Сайланган қўмита раиси (оқсоқол)ни тегишли маҳаллий ҳокимият тасдиқлайди.

5. Маҳалла қўмитасининг таркиби (ҳайъати) умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Улар ўз ичидан қўмита раис ўринбосарлари ва котибини сайлайди, шунингдек, қўмитанинг бошқа аъзолари ўртасида вазифаларни белгилайди. Сайланган қўмита раисини тегишли маҳаллий ҳокимият тасдиқлайди.

6. Маҳалла қўмитаси тегишли ҳокимиятнинг қарори билан ва аҳоли (вакиллар)нинг ярмидан кўпроғи талабига кўра умумий йиғилиш (конференция)да муддатидан илгари тўла ва қисман қайта сайланиши ҳам мумкин. Қўмитанинг аъзолигидан чиққанлар ўрнига янги аъзолар сайлаш мазкур Низомнинг 5-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

7. Маҳалла қўмиталарининг ваколат муддати беш йил.

8. Маҳалла қўмиталари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, мазкур Низомга, маҳаллий ҳокимиятнинг, маҳалла фуқароларининг йиғилиш (конференция)лари қарорларига амал қиладилар.

9. Маҳалла қўмитаси ўз фаолияти тўғрисида йилига камида бир марта фуқароларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

10. Шаҳарларда ва шаҳарлардаги районларда маҳаллий ҳокимиятнинг қарорига асосан маҳалла қўмитаси раиси ва котиби меҳнатига маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳақ тўланади.

11. Маҳалла қўмитаси юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, ўзининг маҳалласи номи кўрсатилган думалоқ муҳрга ва штампга эга бўлади, ва банкада жорий ҳисоб очишга ҳақли.

II ҚИСМ
МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

12. Маҳалла қўмиталарининг ҳуқуқлари:

А) қўмита ишларини юритиш ҳамда маҳалла ҳаёти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун фуқароларнинг йиғилишларини (конференцияларини) чақириш;

Б) тегишли ҳокимиятга шунингдек, маҳалла ишлари билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан хоҳлаган давлат идоралари ва корхоналарига, ширкат муассасаларига таклиф ва истаклар, талабномалар билан бориш;

В) қурилишлар, турар-жой биноларидан фойдаланиш, уй-жойларни ва уй олди ҳудудларини яхши сақлаш, ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларга риоя қилиш, ер, сув, табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш, улардан оқилона фойдаланиш, турар-жой идоралари (ЖЭК) фаолиятини такомиллаштириш ва уларга даҳлдор бўлган бошқа масалалар устидан жамоат назоратини ўрнатиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли идораларга таклифлар киритиш;

Г) жамоат тартибини, ижтимоий турмуш, ёнғин хавфсизлиги, санитария ва бошқа қоида ҳамда меъёрларни бузишга йўл қўйган шахсларга нисбатан, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини қўмита мажлислари ёки фуқароларнинг йиғилишларида муҳокама этиш, зарурат туғилган ҳолларда эса материалларни ўртоқлик суди, санитария ва ёнғинга қарши назорат, тегишли ҳокимият қошидаги балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга, кузатув ва маъмурий комиссияга ва бошқа давлат идораларига юбориш йўли билан жамоатчилик таъсирини ўтказиш чораларини кўриш;

Д) маҳалла ҳудудида ўтказилаётган текширишларда қатнашиш, ҳаётий муҳим масалалар бўйича маҳалла фаолларига тааллуқли бўлган кенгашларда қатнашиш;

Е) фуқароларга турар-жойлардан фарзандларнинг сони тўғрисида, шунингдек, кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақалар олиш учун, иш жойига кўрсатиш учун, боқимандалар сони бўйича маълумотлар бериш давлат органлари талабига кўра характеристика бериш, прописка га олиш ва ундан ўчириш, паспорт олиш ва алмаштиришга оид тегишли ҳужжатларни тасдиқлаш;

Ж) маҳалла ҳудудидаги уй-жойни сотиш, олиш ва алмаштириш маҳалла қўмитасининг розилик ҳужжати асосидагина давлат нотариал идораси томонидан расмийлаштирилади.

З) маҳалла ҳудудидаги савдо, маиший хизмат шохобчаларини хусусийлаштиришда маҳалла қўмитаси низомлик ҳуқуқига эга бўлиб, уларни расмийлаштириш қўмитасининг розилик ҳужжати асосидагина расмийлаштирилади;

13. Маҳалла қўмиталари қонунда белгиланган молиявий-хўжалик фаолияти (ошхоналар, кичик корхоналар, чойхоналар, сартарошхоналарни ва бошқа ишларни) ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланишади, уй-жойларни, ҳудудидаги савдо, маиший хизмат шаҳобчаларини ижарага беришда қатнашади.

14 Маҳалла қўмиталари маҳалла мулкларини ижарага қўйиш, ўз ҳудудидаги савдо ва бошқа шаҳобчаларни ижарага олиш ҳуқуқига эгадир;

15. Маҳалла қўмиталари ўзларига қарашли ҳудудда маҳалла аҳолисига хизмат қиладиган ва иморатларни қуриш ва таъмирлашга оид масалаларни бажариш учун тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан битим (шартномалар) тузишлари мумкин, шунингдек, маҳаллада ижтимоий-маданий, тарбиявий тадбирларни ўтказиш ҳамда маҳалла, кўчалар, мактаблар ва мазкур ҳудуддаги бошқа нарсалар номларига оид масалаларни кўриб чиқиш учун ўз таклиф ва мулоҳазаларини тегишли ташкилотлар ёки комиссиялар олдига қўяди.

16. Маҳалла қўмиталари ўз ҳудуди доирасида:

А) давлат ҳокимияти олий идоралари қонунларини ва бошқармаларнинг қарорларини, ҳокимият қарорларини, сайловчиларнинг наказларини ижро этишга кўмаклашадилар. Шунингдек, фуқароларнинг йиғилишлари қарорларининг бажарилишини ташкил этадилар.

Б) ҳокимият уларнинг ижроия бошқарув органларига, жамоатчилик ташкилотларига, оммавий, сиёсий, маданий, ва хўжалик тадбирларини ўтказишда ёрдам берадилар.

В) ер ҳақидаги ва ижара тўғрисидаги қонунларни, фуқароларнинг шахсий хўжалигига оид ҳуқуқий нормаларини турмушга тўғри тадбиқ этишига кўмаклашадилар, ўз ишларини маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликда олиб борадилар;

Г) депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишларини ташкил этишда ёрдам берадилар.

Д) жамоатчилик асосида ва тегишли ҳокимият орқали (ҳашар йўли билан) ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, ҳовли-жойларни намунали сақлаш, болалар спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлаклар коммунал тармоқлари, жамоатчилик фойдаланадиган қудуқлар, маданий ёдгорликларни қуриш, таъмирлаш ва яхши ҳолда сақлашни, халқ ҳашарларини уюштиришни ташкил этадилар;

Е) маҳалла аҳолиси ўртасида уларга даҳлдор бўлган ҳудудда юксак маданият, намунали жамоат тартиби ўрнатиш учун мусобақани ташкил этишда қатнашадилар. Зиммага олинган мажбуриятлар бажарилишини назорат қиладилар, ободонлаштириш бўйича қимматли ташаббуслар билан аҳолини кенг таништирадилар, бу соҳадаги яхши ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар, ўз олдиларида турган вазифаларни янада яхшироқ бажариш учун бошқа маҳалла қўмиталари билан мусобақалашадилар;

Ж) ёқилғи, электр қуввати ва сувни тежаб-тергашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда, турар жойлардан фойдаланиш ташкилотларига кўмаклашадилар. Турар жой фондини сақлашни ташкил этишда зарур ҳолларда тегишли ҳокимиятлар орқали турар жойларни таъмирлаш ишлари бўйича чора-тадбирларни кўрадилар.

Хотира кунларини ўтказишда ва қабристонларни ободонлаштиришда қатнашадилар;

З) маданият муассасалари, спорт ташкилотлари орқали аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишларини ўтказиш, бадиий ҳаваскорлик, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларини ташкил қиладилар. Миллий байрамлар, янгича анъаналарни, удумларни ҳаётга тадбиқ этиш, учрашувлар, суҳбатлар, савол ва жавоб кечалари ҳамда баҳслар ўтказишни ташкил этадилар;

И) маҳалла қўмиталари «Наврўз», «Меҳржон», «Гул байрами», «Қовун сайли», «Кўча байрами», «Олтин тўй», «Кумуш тўй» шунингдек, кишиларнинг 60, 70, 80, 90, 100 ёшлик юбилей саналарини тантанали нишонлаш каби анъанавий байрамларни ўтказишда ташаббускор ва ташкилотчи сифатида иш тутадилар;

К) маҳалла қўмиталари ўз вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун жамоат комиссияларини ташкил этадилар (санитария, молия, маданий оқартув, хотин-қизлар, ёшлар, нафақахўрлар билан ишлаш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, тўй ва маросимларни ўтказиш ва бошқалар (Бу комиссияларга маҳалла аҳолисининг фаоллари жалб этилади;

Л) оила — мактаб — маҳалла ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлаш, мактабда ўқувчиларга чуқур билим бериш, мактаб ёшидаги болаларни ҳисобга олишда, болалар билан тарбиявий ишларни, мактабдан ташқари вақтда уларнинг дам олишларини ташкил этишда, мактабга қатнамаётганларнинг сабабини аниқлашда халқ маорифи муассасаларига ёрдам кўрсатади;

М) санаторий-профилактика ва юқумли касалликларга қарши тадбирлар ўтказишда ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишда соғлиқни сақлаш идораларига ёрдам беради;

Н) аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилашда савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарига ёрдам беради ва уларнинг фаолиятини назорат қилади; шунингдек маҳалла қўмитаси мажлисида ҳудудда жойлашган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда корхона раҳбарлари ахборотларини эшитади;

О) ногиронлар, қариялар, ҳарбий хизматчилар, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, кўп болали ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар, шунингдек ота-оналари томонидан қаровсиз қолдирилган болаларнинг моддий ва уй-жой шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади, болаларни болалар муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

П) мазкур маҳаллада ташкил этилган халқ дружиналари ва ўртоқлик судлари ишида, шунингдек, туғилганлик ва ўлим ҳолларини ўз вақтида қайд этишда ЗАГС идораларига ёрдам беради;

Р) белгиланган тўловларни аҳоли ўз вақтида тўлаб бориши учун молия ва суғурта идораларига кўмаклашади;

С) маҳалладаги барча аҳолининг ҳисобини юргизади;

Т) фуқароларнинг паспорт қонун-қоидаларига риоя қилишга кўмаклашади, пропискасиз ва паспортсиз яшаётган, шунингдек, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахсларни аниқлайди. Зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатади.

У) жиноятчиликни олдини олишда фаол қатнашади;

Ф) ёшларни ҳалқ анъаналари ва урф-одатларига, шунингдек, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялайди.

Маҳалла қўмиталари оилавий ва қўшнилараро низоларнинг олдини олишда ва уларни ҳал этишда чоратадбирлар кўради.

17. Маҳалла қўмиталари ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини 10 кун ичида кўриб чиқади.

18. Маҳалла қўмиталари ўз имкониятлари доирасида кам таъминланган оилаларга, нафақахўрларга ва ёлғиз қарияларга маҳалла қўмитасининг маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатади.

19. Тегишли маҳаллий ҳокимиятлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ширкатларнинг раҳбарлари бир ой муддатдан кечиктирмай маҳалла қўмитасининг таклифини ёки хатини кўриб чиқишга ва унга жавоб қайтаришга мажбурдир.

20. Маҳалла ҳудудида янги биноларни қуриш билан боғлиқ барча масалаларни маҳаллий ҳокимиятлар ва уларнинг ижроия органлари маҳалла қўмиталари розилиги ва иштирокида ҳал этишлари шарт.

III ҚИСМ
МАҲАЛЛА МУЛКИ ВА БЮДЖЕТИ

21. Маҳалла мулки.

1. Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич бўғинлари — маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланадиган ва тасарруф этадиган молмулк, маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек, мазкур мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ихтиёрий тўловлари ва моддий ёрдамлари, маҳаллий ҳокимият берадиган молиявий маблағлар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат.

2. Маҳалла қўмитаси пули ҳисобига ва аҳолини ҳашар уюштириш йўли билан барпо этилган бинолар, чойхоналар, новвойхоналар, сартарошхона, кичик корхона, дўкон ва бошқа ашёлар.

3. Маҳалла аҳолисига тўй ва маросимларни ўтказишда фойдаланадиган турли идиш-товоқлар, асбоб-анжомлар, самоварлар, қозонлар, леганлар, косалар, дастурхонлар, чойхоналар, шолча-гиламлар ва бошқа мол-мулклар.

4. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкининг субъектидир. Маҳалланинг сайлаб қўйилган органлари — маҳалла мулкига тўла хўжалик юритиш асосида эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

22. Маҳалла бюджети

Маҳалла қўмитасининг молиявий бюджети қуйидагилар ҳисобига ташкил этилади.

А) маҳалла ҳудудида ободонлаштиш ишларини бажариш мақсадида ажратиладиган район ҳокимияти ободонлаштириш бошқармасидан келадиган тушумлар;

Б) маҳалла ҳудудида жойлашган ташкилотлар, муассасалар, ширкатлар ва бошқалардан маданий-маиший ва оқартув тадбирлари учун мўлжалланган ажратмалар;

В) маҳалла қўмитаси қарамоғидаги чойхоналар ва бошқаларни ижарага топшириш ҳисобига;

Г) уй олди-сотдисидан давлат нотариал идорасига тўланадиган пошлина ва маҳаллий солиқларнинг маълум (5 фоизи) қисми шунингдек, фуқаролар ва бошқалардан шахсий ёрдам учун берилган ҳамда тегишли раҳм-шафқат жамғармаларидан келиб тушадиган маблағлар;

Д) маҳалла қошидаги кичик корхоналар, ошхона, чойхона, новвойхона, сартарошхоналардан ва маҳаллий мулкни ижарага беришдан тушадиган молиявий маблағлар;

Е) юқорида қайд этилган маблағлар маҳалла жорий ҳисобига ўтказилади.

IV ҚИСМ
МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

23. Маҳалла қўмиталари ўз ишларини маҳалла аҳолисининг таклифлари асосида ва тегишли ҳокимият ҳаракат дастурини ҳисобга олган ҳолда тузиладиган режага мувофиқ ташкил қилади.

Маҳалла қўмиталарининг ишлари бошқа ташаббускор жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар кенгашлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, мактаблардаги ота-оналар қўмиталари билан узвий ҳамкорликда ўтказилади ва маҳаллалар кенгаши томонидан мувофиқлаштириб турилади.

24. Маҳалла қўмитасининг мажлислари унинг раиси томонидан камида бир ойда бир марта ўтказилади. Бу мажлислар қўмита аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашгандагина ваколатлидир. Қўмита қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

25. Маҳалла қўмиталари умумий йиғилишлари, суҳбатлар ҳокимият идораларининг, улар фаолиятига даҳлдор масалаларга доир қарорларини ва буйруқларини аҳолига тушунтириш, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ зарур масалаларни ҳал этиш учун ўтказилади.

26. Тегишли ҳокимиятлар фуқароларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорларни, улар қонунга мувофиқ бўлмаса бутунлай ёки қисман рад этиши мумкин. Аммо бунинг сабабларини асослаб бериши ҳамда бир ой муддатдан кечиктирмасдан бу ҳақда маҳалла қўмитасига хабар бериши лозим.

V ҚИСМ
ҚИШЛОҚ, ҚЎРҒОНЧА ВА ОВУЛЛАРДАГИ МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИ

27. Қишлоқ, қўрғонча, ва овулларда маҳаллаларни ташкил этиш, маҳалла қўмиталари раис (оқсоқоллари)ни ва аъзоларини сайлаш ушбу низомнинг 2, 3, 4, 5. ва 7-моддаларида кўрсатилган қоидалар асосида ташкил этилади.

28. Қишлоқ, қўрғонча, ва овуллардаги маҳалла қўмитаси раиси ва котиби меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли маҳаллий ҳокимиятнинг қарори билан белгиланади.

VI ҚИСМ
МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИГА РАҲБАРЛИК

29. Маҳалла қўмиталарига раҳбарликни тегишли ҳокимиятлар амалга оширадилар.

Маҳаллий ҳокимият ва туман, шаҳар ҳамда республика маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгаши маҳалла қўмиталарининг раислари ва котиблари билан суҳбат ҳамда семинарлар ўтказади, уларга зарур ёрдам кўрсатади, қўмиталарнинг ишини вақти-вақти билан текшириб туради ва уларнинг фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, шунингдек, аҳоли, бошқа жамоат ташаббускор органлари билан биргаликда ҳаракат қилишга ёрдам беради.

30. Маҳаллий ҳокимият маҳалла қўмиталарининг амалий фаолиятлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб берадилар. Уларни тегишли бинолар, идора анжомлари, қўлланмалар, маълумотномалар ва ҳоказолар билан таъминлайди.

31. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳалла қўмиталари ўртасида мусобақа ташкил этади, уларнинг иш тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради, ёяди, мусобақа шартлари бажарилишининг якунларини кўриб чиқади. Ғолибларни аниқлайди ва уларни моддий, маънавий рағбатлантиради.

ИЗОҲ: Азиз муштарий! Сиз Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрамини нишонлаш арафасида республика маҳалла қўмиталарининг янги Низоми лойиҳаси билан танишиб чиқдингиз. Ўйлаймизки, ундаги фикрларни янада тўлдириш Сизнинг мулоҳазаларингизга, таклиф ва истакларингизга муҳтож.

Хатларингизни кутамиз!

1992 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТУГАЛЛАШ ВА ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

насида терилган бир тонна пахта учун камида 100 сўм, тўрт қаторли машинада терилган бир тонна пахта учун — камида 80 сўм; қўлда терилган бир килограмм пахта учун камида икки сўм ҳақ тўлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

Колхозларга теримчилар меҳнати учун ҳақ тўлашнинг шундай тартибини қўлланиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки йиғим-терим мавсуми қатнашчиларига ҳақ тўлаш учун ўз вақтида нақд пул берилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқувчилари, шаҳарларнинг ва район марказларининг аҳолиси пахта теримига камдан-кам қўлладигина, колхозлар ва совхозлар меҳнат ресурслари йиғим-теримга тўла сафарбар этилгандан кейингина, хўжаликлар билан шартномага мувофиқ ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликларининг қарорига мувофиқ жалб этилади.

6. Ўзбекбирлашув, «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Ўзбекистон дон маҳсулотлари» ва «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати» концернлари қишлоқ аҳолисини ун, гуруч, шакар, кир ювиш воситалари ва бошқа кундалик зарур моллар билан таъминлаш масалаларини қаттиқ назорат остига олсинлар.

7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (ўртоқ Рафиқов) ғўза баргини тўкдириш учун дори сепишга «Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси белгилаган миқдорда ва муддатда самолётлар ҳамда вертолётлар ажратишни таъминласин, бунинг учун зарур ёнилғини ғамлаб қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ўртоқ Каримов) колхозчиларга, совхоз ишчиларига, пахта йиғим-теримида банд бўлган барча ходимларга тиббий хизмат қилиш тадбирларини белгиласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳосил йиғим-терими даврида теримчиларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этсин, санъат усталари, ёзувчилар, шоирларнинг ўжаликларга боришини кўзда тутсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 август.

ДАМ ОЛИШГА АРЗИГУЛИК ЖОЙЛАРИМИЗ ЖУДА КЎП



Водилнинг Ёрдон дам олиш масканларида бир бўлган киши у ерга яна бориш орзуси билан юради. Шоҳимардоннинг шундоққина этак қисмида жойлашган бу масканда минглаб одамлар дам оладилар. Табиатнинг бетакрор иномларидан баҳраманд бўладилар. Қўни-қўшним, маҳаллам деб жон қуйдирувчи кишилар ҳам у ерда кўпчилик.

Рўзибой Жўраев Ёрдон маҳалла қўмитасининг ранси сифатида жамоатчилик ишларини ташкил этишда, маҳалладаги тўю-маъракаларни ўтказишда бош-қош бўлмоқда. У билан гаплашсангиз суҳбатларингиз мазмуни ўша ернинг муаммолари-ю қувончларига бориб тақалади. Рўзибой Фарғона нефтни қайта ишлаш вилоят бирлашмасига қарашли дам олиш оромгоҳи раҳбари ҳам бўлиб ишлайди. Оромгоҳда ҳар йили юзлаб кишилар ҳордиқ олишади.

СУРАТДА: дам олаётган марғилонлик уруш ва меҳнат фахрийлари (чапдан ўнгга) Олим Йўлбосаров, Рўзибой Жўраев, Ҳаким Абдуллаев ва Тошали Рўзиалиевлар Ёрдоннинг сўлим кўчаларида сайр қилиб турган пайт.

Н. РАҲМОНОВ олган суратлар.

• Тил—маданият кўзгуси

МИЛЛИЙ ИМЛО ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

● Истиқлол мустақил фикрлашдан бошланади. Мустақил тафаккур, мустақил сўз эса имон, пок руҳ, маънавий баркамоллик маҳсули. Ҳамма гап ана шу маънавий етукликда, маънавий бойликда. Шундай маънавий баркамол кишиларни халқимиз етук одам — зукко, олим киши—илмли, саводхон киши — донишманд деб атайди. Дарҳақиқат, маънавий саводхонлик кенг қамровли тушунча. Ўз ичига нутқ одоби, инсоний софлик, нотиқлик, қироат, талаффуз, имло ва иншо каби тушунчаларни ҳам олади. Умуман, ёзув, алифбо, имло, талаффуз тушунчалари ҳақида алоҳида-алоҳида ва кўп гапириш мумкин. Биз ушбу суҳбатимизда ўзбек миллий ёзувининг баъзи муаммолари ҳақида фикр юритишни маъқул кўрдик.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни талаблари ва амалиётига мувофиқ ўзбек тилининг ифода ва талаффуз қонуниятларига, ўзига хос хусусиятларига ва ички имкониятларига катта аҳамият берилмоқда. Вақтли матбуот саҳифаларида, маҳаллий ахборот воситалари тилида, расмий иш юритиш соҳаларида халқ бисотида сақланиб келаётган кўплаб **сўзлар, сўз шакллари, иборалар, атамалар, миллий тилга мос грамматик қурилмалар** кундалик муомалага кириб бормоқда. **Оврўпо, Молдова, Беларус, Гуржистон, Мўғулистон, жумҳурият, раёсат, Раёсат Кенгаши, халқ таълими тизими, техника олий билимгоҳи, Ўзбекистон ФА кимё илмгоҳи, ўқитув-услуб идораси, жумла қурилмаси, техника дорилфунуни, деҳқончилик дорилфунуни** каби ва бошқалар.

Булар ўзбек ёзувининг халқчиллашиб бораётганлигидан далолат беради. Бу ҳодиса, бир томондан, амалдаги имло ислоҳланаётганлигини, янги имло меъёрлари вужудга келаётганлигини, иккинчи томондан 1956 йили қабул қилинган «Имло қоидалари» яроқсиз ҳолга келганлигини, уни янгилаш эҳтиёжи ва зарурати туғилганлигини, учинчидан эса, миллий ўзбек имлоси яратиш кечими бошланганлигини кўрсатади. Шунга кўра, агар ўқувчиларнинг ёзма ишларида Германия ўрнига **Олмонийа**, Ц—5 ёки Марказ —5 ўрнига **Олойбозор даҳаси**, врач ўрнига **дўхтир, табиб, ҳаким**, съезд ўрнига **қурултой**, конференция ўрнига **анжуман**, Октябрь революцияси ўрнига **ўктабир инқилоби**, поликлиника ўрнига **шифохона**, милиционер ўрнига **мэлиса, посбон, миршаб**, цемент ўрнига **сэмон**, комитет ўрнига **қўмита**, июнь ўрнига **июн**, кимё ўрнига **кимйо**, юлдуз ўрнига **йулдуз**, Юнус ўрнига **Йунус**, адрес ўрнига **манзил**, пионер ўрнига **кашшоф**, концепция ўрнига **йўриқнома...** деб ёзилган бўлса, имловий хато ҳисобланмайди. Чунки, бундай қўлланишларни «хато» деб ўйлаш эскирган имло қоидаларга нисбатандир; ўзбек тили грамматик қонун-қоидалари нуқтаи назаридан эса, мутлақо табиий, тўғри.

Республикамизда савод чиқаришнинг қийинлиги, саводхонлик даражасининг пастлигига бош сабаб алифбо ва имлодадир: бугунги ўзбек алифбоси ва имлоси қоидалари, ўзбек ёзуви назарияси ва амалиёти рус графикаси тазйиқи ва таъсири остида яратилган. Бунинг учун ўзбек тили ёки рус тили «айбдор» эмас, балки ўша давр сиёсати, ўша давр мафкураси — қатағон замони айбдор.

Янги замон, янги бошқарув, янги сиёсат — мустақиллик ва демократия вужудга келди: миллий уйғониш бошланди, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, Ўзбекистон мустақил бўлди. Озодлик обидаси қад кўтариш арафасида. Улуғ бобомиз Аҳмад Яссавий макони Туркистонда Турон элининг икки Президенти — икки мустақил республиканинг раҳбарлари учрашди... Адолат байроғи баланд кўтарилган тезкорлик замонида ўзбек ёзувини такомиллаштирмаслик, унинг руҳини тўла миллийлаштирмаслик, бу масалага беписанд қараш ёки лоқайд муносабатда бўлиш гуноҳи азм бўлади. Миллий ёзувгина маданият ва маънавият кўзгуси бўла олади.

Шунинг учун **ц, ю, я, е, ё** ҳарфлари ва юмшатиш белгиси (ь)ни соф ўзбек сўзлари ва ўзбекчалашган ўзлашмаларда қўлланмаслик имловий хато саналмайди. Чунки бу ҳарфларнинг ўзбек ёзувида расмийлашуви ўзбек сўзларининг товуш ва бўғин тузилиши, маъноси, грамматик шакланиши ҳамда талаффузининг бузилишига сабаб бўлиб келди. Бу асорат ҳамон, ярим асрдан буён давом этмоқда. Агар ц, ю, я, е, ё ҳарфлари ва юмшатиш белгиси ёзувимизда ишлатилмаса, биринчидан, ўзбек адабий тили имло ва талаффуз меъёрлари ўзаро анча мувофиқлашади. Иккинчидан, имломиз истиқбод исканжасидан чиқади, мустақил имло йўлига киради. Тузалиш — **янгиланиш** йўлига ўтади. Бунда юқоридаги «расмий ҳарфлар» ўзбек алифбоси сирасидан чиқарилмайди, балки, уларнинг қўлланиш доираси чекланади, тораяди, ўзбекона **й, а, о** ва **у ҳарфларининг** ижтимоий вазифаси ортади ва ишлатилиш доираси кенгаяди. Натижада имло ва талаффузнинг ўзаро яқинлашуви, мувофиқлашуви йўлида бир қадам олга силжиш бўлади. Расмий ҳарфлар эса, **Ньютон, адъютант, Нью-Йорк, компьютер** каби жаҳоншумул сўзларда ишлатилади, холос. Агар **принцип** сўзининг соф ўзбекча муқобили топилмаса, ўзбек ёзувида принсип тарзида ишлатиш мумкин. Бу имловий хато саналмайди. Ахир, неча йиллардан бери тилимизда церков эмас — **черков**, цар эмас **чор** — ёзилиб келинмоқда-ку?!

«Касал ботмонлаб келади — мисқоллаб кетади», — дейди доно халқимиз. Узоқ йиллар давом этган мустамлакачилик асорати, истибдод юки маданият кўзгуси бўлмиш ёзувимизда ҳам ўз ифодасини топган. Минг шукурлар бўлсинким, қайта қуриш ва ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан ёзувимиздаги сунъийлик, расмийлик ўрнини табиийлик ва халқчиллик эгаллай бошлади. Замон жарчиси ҳисобланмиш матбуот она тили сўз гавҳарлари ранг-баранг тасвир воситалари, бой ифода усулларини саралашда лаборатория вазифасини ўтамоқда.

Врач — **табиб—ҳаким—дўхтир— шифокор, газит—газета — рўзнома, жарида, ҳафтанома, нийиқ, нийил, ўктабир** каби қўлланишларни «бош-бошдоқлик» деб билмай ўтиш даврининг хусусияти, миллий уйғониш—тараққиёт белгиси, адабий тилни халқчиллаштириш борасидаги сайъи ҳаракатлардан деб изоҳлаш тўғрироқ бўлади. Бундай жараён адабий тил тушунчасини кенгроқ ва чуқурроқ идроклаш, унинг меъёр ва мезонини, айниқса, имло ва талаффуз маромини аниқ белгилаш учун имконият яратади.

Ўзбек ёзуви — буюк неъмат, катта мўъжиза, муқаддас ёзувлардан бири. Қуръони карим, Ҳадиси шарифларнинг она тилимизда ва жорий ёзувимизда нашр этилиши унинг мавқеини янада орттирди.

У мустақил ёзув сифатида икки хил хат кўринишида, яъни **арабча ва ўрсча хатлар кўринишида фаолият кўрсатмоқда.** Ёзувни «мусурмон ёзуви» ёки «кофир ёзуви» деб иккига ажратмаслик керак. Чунки дунёда қанча ёзув бўлса, уларнинг илдизи **бир манбага,** яъни **финикей ёзувига** бориб тақалади. Ҳозирги замон ёзувлари ўша қадимги бобоёзувнинг тармоқлари, шаҳобчаларидир. Оллоҳга яна минг бор ҳамду саноолар бўлсинким, ўзбек сўзлари энди қатағонга учрамас ва қатағон қуроли вазифасини ўтамас. Фарзандларимиз ўз ёзма ишларида **ойи, айа, бувй, эна, момо, момой, ача, опа** каби сўзларни она сўзи билан бир қаторда ўз ўрнида ишлатаверади. Раёсат, таҳририят каби сўзлар **райосат, таҳририйат** шаклларида ёзилса ҳам имловий хато ҳисобланмайди.

Ўтган 52 йил ичида она тилининг алифбо, сўз қўлланиш ва талаффуз меъёри маъмурий-буйруқбозлик сиёсати туфайли қатағон мафкура тазйиқи остида кечди. Мустақиллик шарофати туфайли ёзма адабий тилимиз ривожланиш йўлига кирди. Унинг илмий-ижтимоий, расмий, адабий ва оммавий-ахборот услублари кенгкуртак ота бошлади. Ўзбек миллий ёзуви эса, арабча ва кирилча хат кўринишларида замон талаби ва ҳаётий эҳтиёжга мувофиқ равишда такомиллашиб бормоқда.

Юқоридагилардан маълум бўладики, имлони қайта ишлаш: эскирган қоидаларни • истеъмолдан чиқариш, айримларини тўлдириш

ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УИР ЙЎЛДОШИМ ҲАҚИДА

Фотима АБДУЛЛАЕВА

Газетамизнинг 29, 31 июль ҳамда 4 август сонларида Ҳабиб Абдуллаев ҳақидаги хотираларни азиз муштарийлар эътиборига ҳавола қилган эдик. Олимпнинг Республика Фанлар академиясига президент этиб сайлангандан кейинги фаолияти ҳам воқеаларга бой...

Бу сафар шу ҳақда ўқийсиз.

ЭЛЛИГИНЧИ йилларда Ҳабиб Муҳамедовичнинг бошига кўп мушкул ишлар тушди. У киши устида бўлаётган гапларнинг ҳаммаси ифво ва бўҳтонлардан иборатлиги учун ҳақиқат ўз ўрнини топди. Ҳабиб Муҳамедовичнинг юзлари ёруғ бўлиб, ҳамма иш яхшилик билан тугади. У кишини совет фанидан йироқ, бизга ёт, чет эл, жумладан Америка олимларини қувватлайди, дейишларига қарамай, Иттифоқимизнинг бошқа жойларида ҳар хил ишлар сафига киритишар, маслаҳатлар сўрашар эди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг Бутуниттифоқ геолог олимларига ғулғула солиб, қанчадан-қанча муҳокамаларга сабаб бўлган китоби ниҳоят Ленин мукофотига сазовор бўлди. Шундай кунларнинг бирида Абдужаббор Абдураҳмонов (Халқ Комиссарлари Советининг раиси):

— Ҳабиб Муҳамедович, Сизга жуда қойил қолдим. Курашда ёлғиз ўзингиз кўпчиликни енгиб чиқдингиз,— деганларида, Ҳабиб Муҳамедович:

— Мен ёлғиз эмасдим, мен билан партия, Москва ва ленинградлик олимлар, бутун қардош республика олимлари бирга эди. Булар мен билан курашаётганлардан илмда ва софликда анча юқори турардилар. Тошкентда ҳам илмга тушунадиганлар кўп. Уларнинг ҳимояси билангина ютиб чиқдим, — деб жавоб берган эдилар.

Ҳаётимизда жуда кўп чиройли воқеалар билан бирга кўнгилсизлари ҳам бўлган. Ҳабиб Муҳамедовични, айтганимдек, «бизга ёт киши» деб айблашганидан кейин, унинг қаерга бориши, кимлар билан алоқа қилиши, бизникига кимлар келиши ва қанча вақт ўтиришини аниқлаш учун махсус кишилар қўйилган эди. Олдинига бунга сезмагандик, кейинчалик билиб қолдик. Уйимизнинг иккита хонаси кўчага қараган бўлиб, ойнаси жуда катта эди. 1953 йил ёзида бўлса керак, Ҳабиб Муҳамедович билан Москвага кетдик. Ўшанда нимаям бўлади-ю, болаларнинг тарбиячиси уйимиз рўпарасида бир киши биз томонни кузатаётганини сезиб қолади. Ўша куни кузатиш эрталабдан кечгача давом этади. Аввалига тарбиячи бу ўғрилар бўлса керак деб ўйлайди. Бироқ таъқиб давом этавергач, ўртага Фанлар академиясидан Маҳкамов деган ўртоқ аралашади. Шундан сўнг кузатувчилар жойларини ўзгартиришади шекилли кўзга кўринмай қолишади. Кўпинча улар биз уйдан чиқиб, сал юрганимиздан кейин орқамизга тушишар, буни ҳатто ўзимиз ҳам сезиб турардик. Шу даврларда телефонимизни ҳам эшитиб турар эдилар.

Бир куни бизникига А. Маърупов келдилар ва ҳар сафаргидек тўғри Ҳабиб Муҳамедовичнинг хонасига кириб кетдилар. Иккалалари узоқ ўтиришди. У киши кетгач, Ҳабиб Муҳамедович хафа бўлиб гапириб бердилар. Асадулла акани чақиришиб: «Абдуллаев яқин дўстинг, биз сенга унинг устидан материал йиғишни топширамиз, — дейишган экан, Асадулла ака: «Нима қилсанглар қилаверинглар, аммо мен шундай соф, виждонли одам устидан материал йиғмайман, чунки у дўстим бўлади», — дебдилар. Суҳбат охирида Асадулла ака: «Ҳабиб, эҳтиёт бўл, орқангдан ўзингга яқин иккита геологни қўйишган. Уларнинг ким эканлиги менга маълум эмас», — деб огоҳлантирибдилар.

Шу йиллар ичида мен Ҳабиб Муҳамедовичга Тошкентдан бутунлай Москвага кетишни кўп ташвиқот қилдим. Чунки у ерда ҳар хил ишларни таклиф қилишар, Ҳабиб Муҳамедович бўлса, Ўзбекистонни, айниқса Тошкентни жуда севганликларидан ҳеч кўнмас ва устимдан кулар эдилар. Мен ҳам бўш келмай: «Тошкентда шунча хизматларингиз эвазига нима яхшилик кўрясиз? Ҳаётимиз Москвада ёмон бўлмайди» дер эдим. Бунақанги гапларим у кишига ёқмас ва «чумчуқдан қўрқан тариқ экмайди» деган мақолни эшитганмисиз, дер эдилар ҳар сафар. У киши ҳаётини ўз юртига бағишлаган инсон эди ва бу йўлда ўзини қурбон қилишдан ҳам тоймасди.

Ҳабиб Муҳамедович 1956 йил 6 октябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига президент қилиб тайинландилар ва шу йилдан бошлаб чет элларда ўтказилган геология конгрессларига делегат ёки шахсий меҳмон бўлиб бора бошладилар. Дастлабки сафар Мексикада ўтган Бутундунё геологларининг XX конгрессига делегатликдан бошланди. Кейин Ҳиндистонга, 1958 йил июнь ойида эса Ҳабиб Муҳамедович Чехословакия Фанлар академиясининг таклифи билан у ерда меҳмон бўлдилар. Сентябрь ойида тўсатдан Хитойга борадиган бўлиб қолдилар. Хитой Халқ Республикаси деб эълон қилинганлигининг 10 йиллик байрами олдидан СССРдан ҳар хил мутахассислар қатори геолог олимлар ҳам таклиф қилинган эди. Ўшанда Ҳабиб Муҳамедович Москвада эдилар. Бир куни телефон қилиб: «Тезда етиб келинг... Омадингиз келиб қолса, Хитойга борасиз», деб қолдилар. Шу вақтда Нуриддин Акрамович Муҳиддинов Москвада, Марказий Комитет секретари эди. У кишининг ёрдами билан менга ҳам Хитойга боришга рухсат тегди. Бу сафардан кейин орадан деярли бир йил ўтгач, Ҳабиб Муҳамедович Швейцарияга бордилар.

1957 йил 11 январда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан пахтачиликни ривожлантиришда қилган катта ишлари, ирригация қурилишига қўшган ҳиссалари ва колхозсовхозларни ривожлантириш бўйича илмий тажрибалар олиб борганлари учун Ҳабиб Муҳамедович Ленин ордени билан тақдирландилар. У киши Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ана шундай шарафли мукофотга сазовор бўлгандилар.

Ш. Рашидов олимга юксак орденни топширдилар. Ўшанда Ҳабиб Муҳамедович менга «Ленин орденини олишимда сизнинг хизматингиз жуда катта» дегандилар.

Ҳабиб Муҳамедович президент лавозимига тайинланганидан сўнг ишга тушиб кетдилар. У киши янги институтлар, лабораториялар, журналлар ташкил қилдилар. Уруш вақтида тўхтаб қолган «Фан ва турмуш» журналини қайтадан тиклашга ҳаракат қилдилар ва у кўп тортишувлардан кейин 1957 йилдан бошлаб қайтадан чиқа бошлади. Шахсан Ҳабиб Муҳамедович ташаббуси билан «Ўзбек Совет Энциклопедияси» нашрга тайёрланганининг гувоҳиман.

Ҳабиб Муҳамедович четдан қараган одамга жуда қаттиққўл бўлиб туюлиши мумкин. Аммо, у киши шундай ҳазиллашар эдиларки, хафа бўлиш ёки аччиқланиш у ёқда турсин, лоақал уни хаёлингизга ҳам келтирмас эдингиз. Самимий, айни вақтда ўта камтар инсон эдилар. Ҳабиб Муҳамедовични радио-телевизорларда чиқишга илтимос қилишган вақтлар кўп бўлган. Аммо, у киши ҳар хил важ ва баҳоналар қилар, аниқроғи буни яхши кўрмас эдилар. Кўпинча «Нимага шунақа қиласиз, ахир одамлар ўзлари ялиниб-ёлвориб чиқишади-ку» десам, «ўларни-ку билмайман, аммо биров мени мақтаса уялганимдан ноқулай аҳволга тушиб, орқа елкамни майда тер босганга ўхшайди. Шунинг учун бунақа ишларни ёқтирмайман», — дер эдилар.

Бир куни мен Ҳабиб Муҳамедовичга: — «Сиз ажойиб одамсиз, кўринишда дўсту, қиладиган ишлари душманники эканини билиб туриб, уларга фақат яхшилик қиласиз. Ваҳолонки, бу яхшиликларингизга фақат ёмонлик қайтяпти. Халқим, зиёлиларим деб вақти келганда бизни ҳам унутиб, жонингизни уларга қурбон қилишдан қайтмайсиз. Бошингизга шунча ташвиш тушяпти, бирортаси ғамингизга шерик бўлдими? Аксинча, сизни миллатчи деган гаплар ҳам мана шундай одамлардан чиқяпти. Сизнинг ўрнингизда бўлсам бутун кучим ва билимимни фақат илмга бериб, тинч яшар эдим» дегандим, Ҳабиб Муҳамедович менинг бу зардали сўзимни эшитиб: «Сиз хатога йўл қўйяпсиз» деб жавоб бердилар. «Азизим, маслаҳатим, сиз дунёга кичкина туйнуклан эмас, кенг ва очиқ деразадан қаранг, ҳозир менга гапирган гапларингиз туйнуклан қараган одамларнинг ҳаётга қараши бўлиб чиқди. Миллатчилигимга келсак, мени миллатчи деган одамлар бу сўзга тушунмас эканлар. Шу гапни чиқарган кишилар ўз хатоларини тушуниб, сўзларининг нотўғрилиги аниқланганда ўзлари уялиб қолишади. Шунинг учун ташвишланманг. Миллатчилик қилмайман, фақат ўзбек халқини ҳам кўп миллатли давлатимизда яшаётган бошқа миллатлар қатори ўқимишли олим ва маданиятли ҳолда кўргим келади. Ўсиб келаётган ажойиб қобилиятли ва билим учун интилаётган ёшларимизни етук олим қилиб ўстирсак дейман. Қўлимдан келганини қилиб республикада яшаётган ёшларни миллатидан ва мутахассислигидан қатъи назар ўстиришни ўз бурчим деб биламан. Азизим, ҳафа бўлманг, нима десалар деяверсинлар. Ҳеч нарсадан ҳайиқмайман, чунки менинг виждоним пок. Ватан олдида, халқ олдида ҳеч қандай жиноят деб тушунадиган ишим йўқки, мен қўрқсам. Мен тўғри йўлдан кетяпман. Ҳақиқат синмайди, йўқолмайди, бир кун юзага чиқади».

Шуларни ёзар эканман, Ҳабиб Муҳамедович айтган бу сўзлар тўғри бўлиб чиққани ва уни ҳаёт тасдиқлаганини кўрдим.

●

1959 йили фан соҳасидаги ишлари учун Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаевга Ленин мукофоти берилган. Бу ўша йили тасвирга олинган сурат.

(Давоми бор).

УЯЛИ ТЕЛЕФОН, ФАЗО ОРҚАЛИ АЛОҚА ВА БОШҚАЛАР

● Ҳар қандай мустақил давлат, агар у чинакамига ўз истиқлолини қарор топтирмоқчи экан, Ер куррасининг исталган нуқтаси билан бир зумда алоқа ҳам боғлай олиши керак. Хўш, Ўзбекистон шундай имкониятга эгами! Бугун баралла, жуда яқин орада эга бўлади дея оламиз. Куни кеча Тошкент телеминораси биносида «Мустақил Ўзбекистон ва замонавий телекоммуникациялар» номи билан ўтказилган алоқа ускуналари ва тизимларнинг тақдимоти-таништируви шундан далолатдир.

... Ўзбекистон Алоқа вазирлиги икки йил муқаддам замонавий алоқа воситалари соҳасидаги қолоқликка барҳам бериш йўлларини излашга киришди. У хорижий шерикларга собиқ Иттифоқ орқали эмас, балки бевосита шартномалар тузиб, ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. АҚШ, Япония, Англия, Германия, Испания, Туркия, Покистон, Болгария, Венгрия, Чехословакия, Финляндия ва бошқа давлатларнинг компаниялари ҳамда фирмалари тенг ҳуқуқли шерикликкка тайёр эканликларини изҳор этишди. Қўшма корхоналар барпо этиш бошлаб юборилди. Ниҳоят, режалаштирилган катта лойиҳалардан учтасида ишлар охирига етказилмоқда.

Шулардан бири — халқаро космик алоқа станцияси бўлиб, НЕҚ япон компанияси томонидан бунёд этилди. У жаҳон андозалари асосида ишлайдиган энг замонавий қурилмадир. Янги суперстанция 150 тагача халқаро телефон-телеграф канали ва алоҳида телевизон канални ташкил этишга замин яратади. Ҳинд океанидаги таянч база ёрдамида сайёрамизнинг ҳар қандай бурчаги билан телефон орқали боғланиш имкониятини таъминлайди. Бора-бора жаҳон телевидениеси дастурларини айрибошлаш йўлга қўйилади.

Уяли автомат телефон станциясини алоқа воситалари борасидаги жаҳон фани ва техникасининг энг сўнгги ютуқларидан бири, дейиш мумкин. Унинг асосини микропроцессорлар, электрон ҳисоблаш машинаси, электроника, рақамли бошқарув ва радиотелефон принципи ташкил этади. Алоқа радиотўлқинлар ёрдамида амалга оширилади.

● Мустақиллик куртаклари

Аввало, шаҳар (вилоят, республика) ҳудуди бир неча кичик участкага, яъни «уя»ларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири муайян кам қувватли хусусий радиоузаткичларга хизмат қилади. «Уя»лар белгиланган частоталардаги радиоканаллар билан бир-бирига боғланади. Агар абонент (сиз билан биз ёҳуд ташкилот, муассаса, у шаҳардан бу шаҳарга ўтгудек бўлса, ёнида олиб юрадиган жимит телефонининг радиосигнали ўз-ўзидан белгиланган «уя»сидан бошқасига кўчади.

Шу кунларда Ўзбекистон — Америка қўшма «Ўздунробита» корхонаси Тошкентдаги 34 — АТС биносида бу ноёб уяли автомат телефон станциясини ўрнатиб созлаяпти. Синов яхши натижалар бермоқда. Ушбу сатрлар муаллифи бунга ўзи шоҳид бўлди. У телеминора биносидан туриб, транзисторлардагига ўхшаш антенали кўчма телефон трубкасидаги керакли рақамли тугмачаларни босган эди, 45 секундга қолмай уйи билан гаплашди.

Намойиш этилган учинчи янгилик — тижорат телевидениеси эди. У Американинг «Ай-ТИ-Ай» фирмаси ёрдамида қурилмоқда. Янги станция дунёдаги барча етакчи студиялар билан радиотелевизион дастурларни кеча-ю кундуз ташкил этиш, аввал 8 та, кейинчалик эса 24 та канал бўйича телевидение дастурлари, реклама, мусиқа хизмат ахборотини қабул қилиш қувватига эга бўлади. Буларни телевизори учун махсус мосламани сотиб олган ҳар бир тошкентлик томоша қилиши ва янги эфир-кабелли тармоққа уланиши мумкин.

Тақдимот-таништирув маросими Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланди. Унда сўзга чиққан Япония, Покистон ва АҚШ компанияларининг вакиллари ишларни ўз вақтида олиб боришга барча шарт-шароитларни яратиб берганлиги учун республика Президенти ва ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдириб, ўзбек халқига миллий истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида ривож тиладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов қатнашди.

Э. ХУЖАЕВ.

• СПОРТ •

ОЛИМПИАДА БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

● ИСПАНИЯНИНГ Барселона шаҳрида икки ҳафта давом этган ёзги XXV олимпиада мусобақалари якунланди. Қизғин ва муросасиз баҳслар рамзи бўлиб турган олимпиада машъаласи оҳиста сўниб, ҳалоллик, поклик ва холислик тимсоли бўлган оқ байроқ туширилди.

Бу сафарги олимпиада ўзига хослиги билан ажралиб турди. Мусобақаларда 170 мамлакатдан қарийб 10 минг нафар спортчининг иштирок этгани ҳам фикримизнинг далилидир. Спортчилар у меҳмонлар учун барча шароитларни яратишга ҳаракат қилган олимпиаданинг ташкилот қўмитаси мутасаддилари зўр ғайрат кўрсатдилар. Баъзи жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда олимпиада бетакрор воқеалар, юксак натижалари билан минглаб спортчилар ва меҳмонларнинг хотирасида муҳрланиб қолди.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими ўзига хос спорт байрамига айланди. Ранг-баранг ва қизиқарли дастур асосида амалга оширилган бу маросимни стадионда ўтирган 65 минг томошабиндан ташқари ер юзининг турли бурчакларида қарийб 3,5 миллиарддан ортиқ киши ойнаи жаҳон ҳосиятидан фойдаланиб, кузатишга имкон топди.

Бу йилги олимпиадада охирги марта бирлашган жамоа тариқасида иштирок этган МДҲ спортчилари юксак натижаларни қўлга киритдилар. Улар жами 112 та, шундан 45 таси олтин медални қўлга киритиб, норасмий ҳисобда биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг охирги куни ҳам бир қанча совринли ўринлар эгалланди. Боксчилар мусобақаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Чарм қўлқоп усталарининг баҳсида кубалик спортчиларнинг қўллари баланд келди. Улар етти маротаба ғолиблик супасига кўтарилиб, олтин медалларни қўлга киритишди. Волейболчилар баҳсида Бразилия жамоаси чемпион бўлди. Сув тўпи бўйича мусобақада Италия жамоасига ҳеч ким бас келолмади.

Мустақил Ўзбекистон спортчилари ҳам йирик мусобақада муносиб ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Вакилларимиз жамоа ҳисобида 3 та олтин медаль билан қайтдилар, Оғир атлетика ва мерганлик бўйича икки вакилимиз кумуш медаль олди. Шамширчи Валерий Захареевич эса жамоа ҳисобида бронза медали совриндори бўлди. Энди гал спортчиларнинг муваффақиятлари, йўл қўйган камчиликларини сарҳисоб қилишга.

СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИ

ПОЛВОНЛАР ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ БОШЛАНДИ

● ШУ КУНЛАРДА қадимий Шаҳрисабз ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро кураш мусобақасида беллашиш учун Грузия, Россия, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларидан полвонлар ташриф буюришган.

Ўтган дам олиш куни полвонларни кутиб олиш ва жойлаштириш юмушлари амалга оширилди. Кеча эса Шаҳрисабздаги «Хисор» ўйингоҳида халқаро мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Тантана полвонларнинг қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишидан бошланди. Оқсарой меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Мусобақанинг очилиши ўзига хос спорт байрамига айланди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб турган бу масканда катта дастурда концерт томошалари кўрсатилди. Спортчиларнинг намунали чиқишлари олқишларга сазовор бўлди. Айниқса, театрлаштирилган томошада арғумоқ минган соҳибқирон Амир Темур тимсолининг гавдалантирилиши кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Мусобақани ташкилий ва тадбирий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш учун Қашқадарё вилояти ҳокими Т. П. Хидиров ва унинг ўринбосари — мусобақа ташкилот қўмитасининг раиси О. Д. Пармонов зарур шарт-шароитларни яратиш борасида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бугун полвонлар бош соврин учун қизғин беллашувга киришадилар.

К. МУСАЕВ.

«ЖАРЧИНОМАСИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

БИРИНЧИ МАРТА! ПОЁНСИЗ СТЕРЕО РОҲАТ!

ЯНГИ SONY СТЕРЕО ПЛЮС ТИЗИМИ УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР ДОИРАСИНИ ФАҚАТ SONYГАГИНА ХОС БЎЛГАН СТЕРЕОЖАРАНГДОРЛИК СИФАТИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРАДИ

- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли радиостанцияларингизни ультрақисқа тўлқинларнинг қуйи (65–74 МГц) ва юқори (87,5–108 МГц) доираларида стерео шароитларида қабул қилиш имконини беради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС овознинг тиниқ жаранглаши, замонавий жиҳозланиш ва бошқарувнинг енгиллигини ўзида мужассамлаштиради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС – бу миди- ва мини- HI–FI тизимлари ва стереомагнитола демакдир.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли асарларингиз ёзилган юксак сифатли стереофонотекани яратишдек ноёб имкониятни тақдим этади.
- СТЕРЕО ПЛЮС – БУ SONYНИНГ ЯНГИ КАЛОМИ. Унга қулоқ тутинг. Унинг садоси беқиёс!

Сиз 1992 йилнинг 15 июлидан 31 августигача SONYнинг расмий сотувчиларидан сотиб олинган ҳар бир СТЕРЕО ПЛЮС тизими учун:

▷ битта SONY аудиокассетасини
▷ битта SONY компактдискини мукофотга оласиз.

STEREO PLUS

SONY МУҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ ВАЛЮТА ДЎКОНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: ТОШКЕНТ – "SONY" дўкони; САМАРКАНД – Регистон кўчаси, "SONY" дўкони.

SONY

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунига бағишлаб, энг яхши материаллар танловини эълон қилади.

Танлов ғолибларини рағбатлантириш учун учта мукофот белгиланади:

— битта биринчи мукофот — 5000 сўм;

— битта иккинчи мукофот — 3000 сўм;

— битта учинчи мукофот — 2000 сўм.

Танловга Республика Мустақиллиги куни — 1 сентябрга бағишлаб матбуотда ёритилган ёки телевидение ва радиода эшиттирилган, бошланғич журналистлар ташкилоти билан келишилган, Қорақалпоғистон Журналистлар уюшмаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар журналистлар ташкилотлари, Давлат телерадиокомпанияси бошқаруви томонидан тавсия этилган материаллар тақдим этилади.

Ҳамма материаллар шу йил 30 декабргача Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувига топширилади.

Танловга 1993 йил 10 январда якун ясалади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш бошқармасининг бошлиғи О. Мансуровга онаси **Майминхон САМСАКОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, оила аъзоларига сабр-бардош, марҳумага Аллоҳдан раҳматлар тилайди.

Ўзбекистон Республикаси муҳандислик академияси Президиуми академия директори, иқтисод фанлари доктори Т. Акромовга ўғли **Дилмурод Тоҳир ўғли АКРОМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Марҳумнинг оила аъзоларига сабр-бардош тилайди.

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари ижтимоий фанлар шўъбасининг мудираси, фалсафа фанлари доктори, профессор Л. С. Яҳъёевага онаси **Мўътабархон Холиқ қизи БУРХОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти педагогика институти жамоаси институт ректори Н. Ф. Иброҳимовга ўғли **БАҲОДИРЖОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат университети раҳбарияти ва ижтимоий ташкилотлари фалсафа кулиётининг кафедра мудири, профессор И. Раҳимовга ўғли **Бахтиёр РАҲИМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, марҳумнинг оила аъзоларига сабр-бардош тилайди.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 № 156. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.